Ўзбекистон — ЕОИИ:

# ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИЖРОСИДА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

1

Шунингдек, **қуйи палатанинг 12 та қўмитасида** 31 март — 6 апрель кунлари ўз соҳа йўналишлари бўйича ЕОИИ билан ҳамкорлик қилишда интеграциялашув жараёнларининг ижобий ва салбий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар қизғин кўриб чиқилди. Албатта, бунда Ҳукумат ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг 40 дан ортиқ вакиллари иштироки таъминланди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари ташаббуси билан соҳа йўналишлари бўйича туркум давра суҳбатлари ташкил этилди. Аҳамиятли жиҳати, уларда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлик бўйича кўплаб ижтимоий долзарб саволлар ўртага ташланди.

10 апрель куни ўтказилган **“Ҳукумат соати”**да тегишли вазирлик, идоралар масъуллари иштирокида Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлик қилишдаги позицияси қизғин муҳокама этилди.

Шу ўринда куни кеча **“Парламент эшитуви”**нинг биринчи маротаба видеоконференцалоқа шаклида ташкил қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунки бу ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида парламентда иш тўхтаб қолмаслигига, аксинча, депутатларнинг масофадан туриб, электрон тарзда фаолият юритишларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Шу боис **“Парламент эшитуви”**да Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, ташқи ишлар вазири, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари масофавий тарзда иштирок этди. Унда мутасаддилар депутатларнинг ЕОИИ билан ҳамкорликнинг Ўзбекистон учун қандай муҳим жиҳатлари борлигига оид саволларига батафсил, асосли жавоб беришди.

*— Амалга оширилган ишлар жамоатчиликка қандай етказилди?*

— Олиб борилган саъй-ҳаракатларни кенг жамоатчилик вакилларига, умуман, халқимизга етказишда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар кўприк вазифасини ўтади, десам муболаға бўлмайди. Қонунчилик палатаси фракциялари ва қўмиталари томонидан ўтган **бир ярим ой ичида Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги масаласи муҳокамаларига оид 152 дан зиёд материаллар ОАВда ёритилиб, кенг жамоатчиликка етказилди.**

Масалан, ўрганиш жараёнида марказий нашрлар, хусусан, “Халқ сўзи”да 35 та мақола чоп этилди, телевидениеда фракциялар ва қўмиталар томонидан 3 та теледебат ўтказилди, интернет нашрларидаги материаллар сони 60 дан ортиқни ташкил қилди. Интернет сайтларида, хусусан, “Kun.uz”, “Daryo.uz”да бир қатор, шунингдек, парламентнинг расмий сайтида ҳам мунтазам материаллар бериб борилди.

Бундан ташқари, видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган тадбирлар, хусусан, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталарнинг кенгайтирилган **жами 20 дан ортиқ** йиғилишлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, улар томонидан ижтимоий тармоқларда ушбу масала бўйича аҳоли (электорат) билан доимий мулоқотлар ташкил этилаётгани эътиборга молик. Чунки фуқароларнинг мазкур жараёнга қизиқиши ортиб бораётганини билдирилаётган муносабатлардан ҳам яққол кўриш мумкин.

*— Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

— “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан бу бўйича, энг аввало, ташаббусли тартибда сўров ўтказилган бўлса, бевосита Қонунчилик палатаси депутатларини қизиқтирган масалалар бўйича тайёрланган саволнома асосида марказ томонидан иккинчи маротаба, яъни 7 — 12 апрель кунлари ижтимоий сўров ўтказилиб, қуйи палатага тақдим этилди.

Ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, “Жамоатчилик фикри шу маънода якдилки, Ўзбекистонда мамлакатимиз Евроосиё иқтисодий иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлгач, қўлга киритиладиган барча имтиёз ва эҳтимолий салбий оқибатлар чуқур таҳлил қилиниб, баҳоланганидан сўнггина узил-кесил қарор қабул қилинади”.

Бундан ташқари, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази томонидан ҳам социологик сўровлар ўтказилди. Бундай социологик сўровлар жамоатчиликнинг бу борадаги фикрини илмий тарзда ўрганишга асос бўлиб хизмат қилади.

*— Тадбирлар режасидан ташқари, ушбу йўналишда яна қандай ишлар рўёбга чиқарилмоқда?*

— Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги масаласининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини инобатга олиб, апрель ойининг бошида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг соҳалар бўйича қўмиталарининг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигига оид масалани ўрганиш бўйича вазифалари тақсимоти” тасдиқланди. Ҳозирги кунда ушбу белгилаб олинган ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу ўринда яна бир жиҳатни қайд этиш жоиз. Ушбу долзарб масала муҳокамаларини сифатли ўтказиш мақсадида Қонунчилик палатасининг ички локал тармоғида “ЕОИИ” махсус тизими орқали Вазирлар Маҳкамаси томонидан ЕОИИга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотлар ва таҳлилий материаллар (уч минг бетдан ортиқ)нинг барчаси жойлаштирилди. Албатта, бу депутатларнинг ушбу ҳужжатлар билан танишишига имкон яратмоқда.

Ушбу кўрсатилган кўмак ва амалий ҳамкорлик учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамасига ўз миннатдорлигини билдиради. Зеро, ҳар бир масалани ўзаро ҳамкорликда ҳал этишдан мақсад — халқимиз манфаатларини таъминлаш, юртимиз тараққиётини юксалтириш саналади.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# Тиббиёт тизимида янги давр бошланмоқда

*Инсониятни ларзага келтирган пандемия барчамиздан ҳамжиҳатликни талаб этмоқда. Бу борада юртимизда мазкур хавфли инфекциянинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келиняпти. Аввало, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари, Хитой ва Жанубий Корея мутахассислари амалий тажрибаларига асосан, аҳоли орасида шахсий ва жамоа гигиена талабларига қатъий риоя қилиш юзасидан кенг тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилганлигини айтиш жоиз. Яна бир муҳим омил эса кейинги йилларда тиббиёт соҳасига, хусусан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам йўналишларидаги камчилик ҳамда муаммолар кўламига катта эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш бўйича қатор Фармон ва қарорлар чиқарилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.*

## Акс садо

Бугун шифокорларимиз учун нафақат иш жойида қулайликлар яратилди, балки уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида энг замонавий технологияга асосланган тиббий асбоб ва диагностика ускуналари ҳамда даволашда ишлатиладиган турли воситалар олиб келинди. Қолаверса, тизим ходимлари ривожланган мамлакатларга бориб, малака ошириб келмоқдалар. Шуларга мос равишда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, энг самарали дори-дармон ва тиббий буюм воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида 2019 — 2025 йилларга мўлжалланган концепция қабул қилинди.

Энди тасаввур қилиб кўринг, соҳага жиддий эътибор қаратилмаганида биз ҳозирги синовли кунларда анчайин қийинчиликларга дуч келган бўлар эдик. Юртимизда биринчи бемор аниқланиши билан давлатимиз раҳбари томонидан мазкур касаллик тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг ижтимоий ва иқтисодий салбий оқибатларини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қисқа вақт мобайнида Президентимиз халқимизга бир неча бор мурожаат қилиб, аҳолини ҳамжиҳатликка, саросимага тушмай, карантин талабларига ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишга чақирди. Бугунги синовли кунларда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, бундай оғир синовдан талафотсиз чиқишга имкониятларимиз етарли эканлигини таъкидлади.

Албатта, ушбу синовли кунлардан ёруғ юз билан ўтиб оламиз. Аммо келгусида шундай ҳолатлар юзага келмайди, деган кафолат йўқ. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари томонидан “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал кадрлар билан таъминлаш ҳамда тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари мавқеини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриатнинг қабул параметрлари туман (шаҳар)лар кесимида шакллантирилади. Бу эса тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларни шифокорлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, мамлакатимизда Россия ва Туркиянинг нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари филиалларини очиш режалаштирилмоқда.

Қарорда, шунингдек, тиббиёт соҳасидаги илмий изланишларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Шундан келиб чиқиб, жорий йил сентябрдан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларидаги тиббиёт олий таълим муассасаларида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этилади. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти эса Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига айлантирилади. Тошкент шаҳридаги 1-Республика клиник шифохонаси негизида марказнинг кўп тармоқли клиникаси очилади. Унинг Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё вилоятларида филиаллари бўлади.

Умуман, мазкур қарор мамлакатимиз тиббиёт тизимида янги босқични бошлаб бериши билан ҳам қимматлидир.

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари.**

## Фикр

*Ҳар қандай тадбиркорлик субъекти бозор иқтисодиёти шароитида ўз фаолиятини кенгайтириш, янги йўналишларда иш ташкил қилиш, энг муҳими, ўзининг бозордаги ўрнини сақлаб қолиш учун ҳам доимий изланишда бўлиши, фаолиятига янгиликлар киритиб бориши талаб этилади. Бундай ҳолатларда тадбиркорлар маблағ танқислигига дуч келиши табиийдир.*

*Дунё амалиётида корхоналарнинг маблағга бўлган эҳтиёжини қондиришда қимматли қоғозлар, шу жумладан, корпоратив облигациялар чиқариш усулидан кенг фойдаланилади. Тадбиркорлар учун корпоратив облигациялар чиқариш банк кредитларига қулай бўлган муқобил вариант ҳисобланади. Лекин Ўзбекистонда мазкур механизмлардан кенг қўлланилишига амалдаги қонунчилик йўл бермайди.*

# Ўз облигацияларини чиқариш ҳуқуқига эга субъектлар сони кўпаяди

Жумладан, мамлакатимизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, фақатгина акциядорлик жамиятлари ва банклар корпоратив облигацияларни чиқариш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, қонунчиликдаги корпоратив облигацияларни чиқаришга қўйилган шартлар ва талаблар бундай қимматли қоғозларни амалда чиқариш имкониятини кескин пасайтириб юбормоқда. Хусусан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда фақат ўз капитали доирасида мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни чиқариш мумкинлиги белгиланган. “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунга кўра, корпоратив облигациялар чиқариш учун кейинги уч йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлиши каби шартлар қўйилган.

Юқорида келтирилган чекловлар натижасида 2010 — 2018 йиллар мобайнида айланма облигациялар сони 41 тадан 17 тага, уларнинг муомаладаги ҳажми эса 512 млрд. сўмдан 198 млрд. сўмгача қисқарган.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар сонини кўпайтиришга ҳамда облигациялар чиқариш шартларини юмшатишга қаратилган қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозаралар билан кўриб чиқилмоқда.

Ҳукумат томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқиш жараёнида депутатлар томонидан қўмиталар, сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида ҳамда ялпи мажлисда кўплаб таклиф ва эътирозлар билдирилди.

Жумладан, қонуности ҳужжатларини қисқартириш ва қонунларнинг тўғридан-тўғри ишлашини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бир вақтда облигацияларни чиқариш бўйича қонунда белгиланган шартларни чиқариб юбориш ва ваколатли органга ўтказилиши қанчалик тўғри экани, шунингдек, мазкур ўзгаришлар янги “молиявий пирамида”лар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин эмасми деган кўплаб асосли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Депутатлар айтган фикрлар, таклифлар ва эътирозлардан ҳамда капитал бозори ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда қонун лойиҳаси такомилига етказилди ҳамда Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун лойиҳасида инвесторларни, яъни облигация сотиб олувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда мамлакатимизда “молиявий пирамида”лар ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида облигациялар чиқаришнинг асосий шартларини қонуннинг ўзида белгилаш таклиф этилмоқда.

Халқаро тажрибага кўра, капитал бозорининг ривожланишини рағбатлантириш мақсадида молиявий саводхонлик ошган сари облигацияларни чиқариш учун қўйиладиган талаблар юмшатиб борилади. Масалан, Жанубий Корея ва Японияда 20 йил аввал корпоратив облигациялар чиқариш учун таъминот (ёки банк кафолати) тақдим этиш талаби бекор қилинган.

Биздаги облигация сотиб олувчиларнинг бугунги кундаги молиявий саводхонлик даражасидан келиб чиқиб, эмитентнинг облигациялар суммаси ўз капитали миқдоридан ошган қисмига таъминот бериши шартлиги киритилмоқда.

Капитал бозоридаги салбий ўзгаришларга ўз вақтида таъсир кўрсатиш ҳамда мазкур бозорнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органига облигациялар чиқаришга қўшимча шартлар белгилаш ваколати берилмоқда.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, эндиликда масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларга ҳам облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган 148 мингдан зиёд масъулияти чекланган жамиятлар учун маблағлар жалб қилишда банк кредитларига муқобил вариант ҳисобланади ҳамда молиявий маблағларга бўлган талабларни қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Облигациялар чиқаришнинг амалдаги шартлари юмшатилмоқда. Жумладан, капитал бозори ривожланишини рағбатлантириш мақсадида эмитентларга облигацияларни ўз капитали миқдори доирасида таъминотсиз чиқариш ҳуқуқи берилмоқда.

Облигациялар чиқариш учун эмитентларнинг мустақил рейтинг баҳосини олиш шарти бекор қилиняпти.

Кейинги уч йилда эмас, балки сўнгги бир йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг ижобий кўрсаткичларига эга бўлган эмитентларга ҳам облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилмоқда.

Талаб этиладиган бир нечта аудиторлик хулосалари ўрнига облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасининг мавжудлиги облигациялар чиқарилиши учун етарли бўлиши белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши облигациялар чиқаришга қўйиладиган талабларни енгиллаштириш, республикадаги ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, миллий фонд бозори рақобатдошлигини ошириш, амалга оширилаётган лойиҳаларга аҳоли ва институционал инвесторларнинг бўш ресурсларини жалб қилиш учун тадбиркорлик субъектларига қўшимча имконият яратишга хизмат қилади. Иқтисодиётга нафақат ташқи инвестицияларни, балки ички инвестицияларни ҳам жалб этишда ўзига хос туртки вазифасини бажаради.

**Комилжон ЭРНАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси.**

## Муносабат

# Малакали кадрлар истиқболни белгилайди

**Ҳар бир мамлакат учун малакали мутахассислар тайёрлаш, етук кадрларни вояга етказиш муҳим вазифалардан саналган.**

Президентимиз томонидан яқинда имзоланган “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ҳозирги пандемия шароитидаги муҳим ҳужжат бўлишдан ташқари, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Гап шундаки, кейинги йилларда тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга қарамай, ҳалиям муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда мамлакатимизда 11 мингдан зиёд шифокорлар етишмаётгани, шу сабабли тиббиёт муассасалари аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсата олмаётгани айни ҳақиқат. Шу муаммони бартараф этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигига топширилган бакалавриат таълим йўналишининг мақсадли қабул квотаси 20 фоиз, мақсадли магистратура 10 фоиз, клиник ординатура квотаси 15 фоизга оширилиб, юқори малакали тиббиёт кадрларига катта талаб мавжуд бўлган ҳудудлар учун квоталарни давлат грантлари асосида ажратиш механизми йўлга қўйилди.

Президентимиз шу йил 24 январь куни парламентга йўллаган Мурожаатномасида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш масалаларига алоҳида урғу берди. Айниқса, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, мавқеини мустаҳкамлаш, уларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, муносиб меҳнат шароити яратиш, иш ҳақини ошириш, моддий-маънавий рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилиши, шу жумладан, гематология, вирусология, иммунология соҳалари, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш лозимлиги батафсил таъкидлаб ўтилган эди. Муҳими, ўтган даврда бу йўналишда ҳам муайян ишлар бошлаб юборилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори тизимда олиб борилаётган шу каби саъй-ҳаракатларни яна бир поғона юксалтиришга қаратилгани билан ҳам қимматли ва аҳамиятлидир. Зеро, унга кўра, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги 47 та тиббиёт коллежи негизида Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ташкил этиладиган бўлди. Бу билим юртлари моддий-техника базаси замонавий воситалар асосида янада кучайтирилиб, амалиёт хоналари белгиланган нормативларга мос жиҳозланади ва ўқув-симуляциявий аудиториялар ташкил этилади.

Мамлакатимизда ҳали у қадар оммалашмаган валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанлари ўқувчиларга чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади, ўқув режалари ва фан дастурлари ҳам илғор хорижий тажрибалар ва халқаро амалиётдан келиб чиқиб жорий этилади.

Яна бир ўзига хос янгилик шундан иборатки, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурига ҳамоҳанг ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланиб, техникумларда етакчи тиббиёт олий таълим муассасалари юқори малакали профессор-ўқитувчилари масофавий машғулотлар ўтиши йўлга қўйилади.

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали иккинчи курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқи берилаётгани эса тиббий таълим соҳасида жорий этилаётган энг катта янгиликлардан биридир.

Қарорда тиббиёт олий таълим муассасаларининг даволаш ишлари бўйича проректорлари бир вақтнинг ўзида ушбу олий таълим муассасаси клиникаларининг бош шифокорлари ҳисобланиши белгилаб қўйилмоқда. Бу эса талабаларнинг ўрганган назарий билимларини амалиётда қўллаб кўриш имкониятларини оширади ва келгусида борадиган иш жойларида тайёр тажрибали мутахассис сифатида ҳеч иккиланмай иш бошлашига мустаҳкам замин яратади.

Бу ҳужжат тиббиёт соҳасида янги босқични бошлаб бергани билан халқимизни мамнун этди.

**Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,**
**Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# Ер участкаларини олиб қўйиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилади

*Олий Мажлис Сенатига Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 7 апрель куни қабул қилинган “Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқиш учун келиб тушган эди.*

## Янги қонун

Мазкур ҳужжат дастлабки тарзда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида ўрганилиб, муҳокама қилинмоқда. Муҳокама онлайн тарзида амалга оширилиб, унда ҳудудлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда қўмита аъзолари ва экспертлар иштирок этмоқда.

Маълумки, охирги икки йил давомида ер участкаларини олиб қўйишда қонунчиликда белгиланган тартибга риоя этмаслик ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Адлия вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2019 йилнинг май-июнь ойларида мазкур масалада 2 586 та мурожаат келиб тушган ва уларни кўриб чиқишда кўпинча мулкдорлар ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган.

Янги қонун шу каби ҳолатларнинг олдини олишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, Жиноят кодекси “Ер участкаларини олиб қўйиш тартибини бузиш” учун жавобгарлик белгиланган беш қисмдан иборат 173-1-модда билан тўлдирилди.

Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра, ер участкаларини олиб қўйиш тартибини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан икки юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий ишлар ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазо белгилаш назарда тутиляпти.

Модданинг иккинчи қисмида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар кўрсатилган. Модданинг учинчи қисмида шундай ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, айбдор уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва тўртинчи қисмига мувофиқ худди шундай ҳаракатлар кўпчилик учун хавфли бўлган усулда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ер участкаларини олиб қўйиш учун жавобгарлик кўрсатилган 61-3-модда билан тўлдирилди. Унинг биринчи қисмида ер участкаларини олиб қўйиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилган.

Иккинчи қисмида эса шундай ҳуқуқбузарликлар олиб қўйилаётган ер участкасидаги бино, бошқа иморат, иншоот ёки дов-дарахтларни ёхуд уларнинг қисмларини, зарарнинг ўрни мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопламаган ҳолда бузиб ташланиши оқибатида кўп бўлмаган миқдорда зарар етишига олиб келса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Шунингдек, ушбу қонун билан яна қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқдаки, уни ишлаб чиқишда Россия, Беларусь, Қозоғистон, Грузия ҳамда бошқа давлатлар қонунчилиги ва тажрибаси ўрганилган.

Мазкур қонун ер участкасини олиб қўйишда белгиланган тартибга риоя этилишига, фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари мулк ҳуқуқи кафолатлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига, шунингдек, соҳани тартибга солувчи қонунчиликдаги ер участкасини олиб қўйиш жараёнлари билан боғлиқ “оқ доғлар”нинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Айни чоғда қонунни Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига олиб чиқиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

**Батир МАТМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# Жаҳон иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришга барчамиз масъулмиз

*Яқинда АҚШнинг Калифорния университети профессори, математика соҳасида энг юксак мукофот бўлмиш Фильдс медали совриндори Ефим Зельманов телефон қилиб қолди.*

## Сенатор мушоҳадаси

Суҳбат асносида:

— Нима янгиликлар? — деб қизиқдим.

— Янгилик сизларда-ку, мундоқ ўртоқлашмайсан ҳам, — деди у.

Соҳадаги охирги янгилигимиз “Journal of Algebra and Computation” журналида эълон қилинган эди. Шу боис “Яна қандай янгилик бўлиши мумкин?” деб ҳайрон бўлдим. Гап нима ҳақда бораётганини эса унинг ўзи айтди:

— Жаҳонни ларзага солаётган коронавирус пандемиясидан ҳимояланиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида бизга айтмаган эдинг...

Е. Зельманов юртимизда вирусдан касалланиш даражасининг нисбатан озлиги, тузалиш жараёни бошлангани, мактаб ва олийгоҳларнинг ҳар бир талаба ва ўқувчиси учун телевизор орқали масофавий дарс ташкил этилгани, карантин талаблари асосида далаларда иш қизғин бораётгани, хуллас, ҳамма-ҳаммасидан хабардор экан.

Фан шунчалик чексизки, унинг асл моҳияти кишилик жамиятига хизмат қилмагунча мавҳум қолаверади. Масалан, оптимал бошқариш назарияси салбий ҳолатдан чиқиш билан келгуси ривожланиш истиқболини белгилашга қаратилган. Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда яна 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари мазкур илмий назариянинг амалдаги инъикоси бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Амалий натижа мусбат чиқиши учун ундаги мезонлар бажарилиши талаб этилади. Баъзи ҳолларда бир кўрсаткичнинг бажарилмаганлиги занжирсимон боғлиқликда бошқа бандлар самарадорлигини пасайтириб юборади. Масалан, Марказий банк томонидан давлатимиз раҳбари шу йил 19 мартда қабул қилган Фармони ижроси доирасида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 триллион сўм ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилгани, молиявий қийинчиликка дуч келган ташкилотлар кредитлари бўйича қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда 7 триллион сўмни, жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жорий йилнинг олдиндаги 6 ойи давомида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми 4,7 триллион сўмни ташкил этиши бўйича келтирилган ахбороти аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг пандемия боис иқтисодий қийинчиликлардан енгил чиқиб олишига ёрдам беради.

**Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Карантин тўхтатилганидан кейин ҳам тижорат банклари кредит сиёсати дастлабки натижа самарадорлигини таъминлаши керак. Бунинг учун бугун берилган имтиёзлар эртага аҳоли ва тадбиркорлар елкасига юк бўлмаслиги зарур. Истиқболда инфляция ва миллий валюта девальвацияси ҳисобида тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли қарздорлигининг маълум қисми тижорат банклари бухгалтерия балансидан ташқари ҳисоблашга ўтказмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.**

Кўпчилик олимлар Фармонга “Кутилажак жаҳон инқирози олдидан кўрилган муҳим чора-тадбир” деб таъриф берган бўлсалар, уларнинг фикрларини тўлдириб таъкидлардимки, молиявий масалаларда, жумладан, пул-кредит соҳасидаги янгиликлар иқтисодиётимиз ривожланиши йўлидаги зарур тадбир ҳамдир. Бу тадбирлар рисоладагидек бажарилса, республикамиз иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолининг яшаш даражаси 2019 йилдагига нисбатан кам бўлмайди. Чунки 2020 йил 19 мартдаги Фармон билан Молия вазирлиги қошида юридик мақомга эга бўлмаган 10 триллион сўмлик Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг ташкил этилиши ҳамда ундан қилинадиган харажатлар таркибида келтирилган тўртта банддан иккитаси, 3 апрелдаги Фармоннинг 21 та бандидан 19 таси тўғридан-тўғри иқтисодиётни, жумладан, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган. Шунингдек, мазкур маблағдан 2,2 триллион сўм иқтисодий-ижтимоий соҳалар, 1,4 триллион сўм инфраструктура ҳамда йўллар таъмирланишини молиялаштиришга йўналтирилган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга кўмаклашилади.

**Ҳозирги кунда тадбиркор олган кредит ставкаси 24 фоизгача бўлганда унинг 8 фоизини жамғарма қоплаб берар эди. Эндиликда кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда ҳам унинг 12 фоизини давлат қоплайди. Бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредити фоизини қоплашга жамғармадан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилади. Жамғарма бир тадбиркорнинг фақатгина битта лойиҳасига кафиллик бериши бўйича чеклов ҳам энди бекор қилинади.**

Жаҳонга тарқалган инфекциянинг умри қисқа бўлса-да, унинг асоратлари узоқ сақланиши мумкин. Хўш, бундай шароитда биз нима қилишимиз керак?

Аввало, ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий ишловчи республика комиссияси мутасадди вазирликлар ва қўмиталар билан ҳамкорликда экспорт шартнома шартларини қайта кўриб чиқиши лозим. Чунки инфляция мавжуд экан, бозорда бирламчи истеъмол товарларига талаб юқорилигича қолаверади. Шундан келиб чиқиб, бундай товарлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига револьвер кредит берилиши фақат инқироз пайтидагина эмас, ундан кейин ҳам давом эттирилиши керак бўлади.

Яна бир муҳим масала. Гап шундаки, коронавирус пандемиясига қарши кураш жараёнида қонунчилигимиздаги камчиликлар кўриниб қолди. Ягона қонун йўқлиги ва фуқароларнинг қоидаларга риоя этмаслиги оқибатида касалликнинг олдини олиш жараёни чўзилмоқда. Шу маънода, мутасадди вазирликлар Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари билан ҳамкорликда мазкур йўналишдаги махсус қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни кечиктирмаслиги зарур.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун дунё бўйлаб кенг тарқалган пандемия шароитида инсонлар билан бирга мамлакатлар иқтисодиёти ҳам катта зарар кўриш эҳтимоли юқори. Ана шундай шароитда жаҳон иқтисодий инқирозининг макроиқтисодиётимизга таъсирини камайтириш ва бу ҳолатдан тез ҳамда талафотсиз чиқиб кетишни ташкил этишга барча соҳа вакиллари қаторида биз, сенаторлар ҳам масъулмиз.

**Шавкат АЮПОВ,**
**ЎзРФА В. И. Романовский номидаги Математика институти директори, академик, сенатор.**

# Ҳам жисмоний, ҳам маънавий покланиш, қалбан улғайиш фурсати

*Ҳар бир кунимиз шукр ва фикр оралиғида кечмоқда. Яқинда телевизорда шифохонадан фарзанди билан соғайиб қайтаётган аёлни кўриб, ниҳоятда таъсирландим. Тасаввуримда шундай бўлдики, она — бугунги кунимиз, қўлидаги бола — келажагимиз. Уларни олқишлаб, қарсаклар билан кузатиб қўяётган шифокорлар эса замон қаҳрамонларидир.*

## Мулоҳаза

Дарҳақиқат, бугун коронавирус пандемиясига қарши курашда халқимиз янада жипслашди, шифокорлар билан бирга, Миллий гвардия, ички ишлар ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари баҳамжиҳат меҳнат қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси фидойилари эртанги кунимиз учун, дастурхонларимиз тўкинлиги, турмушимиз фаровонлиги учун тер тўкмоқдалар. Бу ҳолатларни кўриб, ҳаёт фидойилик асосига қурилган экан, дея ўйлаб қоласан, киши.

Беморларнинг тузалиб, яна соғлом ҳаётга қайтаётгани мамлакатимизда пандемияга қарши ўз вақтида, ниҳоятда аниқ ва самарали чора-тадбирлар кўрилганини яққол ифодалайди. Уларнинг барчаси мамлакат миқёсида ўрнатилган юксак интизом самарасидир. Юксак интизом, бу — керакли юмушларни керакли вақтда, керакли жойда, керакли даражада амалга ошира билиш маданияти демак.

Президентимиз коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халқимизга тўртинчи маротаба мурожаат қилди. Касалликни юқтириб олмаслик учун одамларни, айниқса, 65 ёшдан ошган инсонларни уйда қолишга чорламоқда. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, ўзингизни асранг, демоқда. Бундай ғамхўрлик ва эътиборни, албатта, қадрлашимиз керак. Қолаверса, уйда ўтириш бекор қолиш дегани эмас, бу ҳар биримиз учун ҳам жисмоний, ҳам маънавий покланиш, қалбан улғайиш фурсатидир.

Уйда бутун оила жамлиги ҳам катта бахт. Набиралар билан давра қуриб, китобхонлик қиляпмиз. Онлайн дарсларини он сайин улар билан бирга ўзлаштиряпмиз, ўз устимизда ишлаяпмиз. Ижоддан тўхтаб қолганимиз йўқ. Ўзимиздаги эзгу фазилатларни ёшларга — келажагимиз эгаларига юқтиришга ҳаракат қиляпмиз. Зеро, ҳаётнинг ҳар лаҳзасида бир ҳикмат мужассам:

*Навоийни ўқинг такрор,*
*Сўзларидан ибрат олинг:*
*Ҳар ҳикматда*
*бир хислат бор,*
*Ҳикмат учун уйда қолинг!*

**Саъдулла ҲАКИМ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.**

## Депутат мурожаати

# Сабрли, бардошли бўлинг

Бу кунлар бир синов, тартиб-қоидаларга амал қилсак, эртага ўтади-кетади.

*“Қадрдонлар, ҳамюртлар, бугун оғир, масъулиятли, ҳаммамиздан мустаҳкам ирода, темир интизом талаб қилинаётган кунларни бошимиздан кечиряпмиз. Дунёни ташвишга солган коронавирус сабабли учраша олмаётганимизни ҳам яхши англаб турибсиз, албатта.*

*Бу балонинг хавф-хатарига вақтида эътибор қилинмаган, тиббиёт ходимлари тавсияларига лоқайд қараган давлатлар бошига оғир мусибатлар тушаётгани, минг-минглаб одамлар нобуд бўлаётгани ҳар биримизни қаттиқ изтиробга солмоқда, жиддий ўйлаб, ўзимизни асрашга ундамоқда.*

*Эътибор бераётган бўлсангиз керак, жаҳоннинг вирусология соҳасидаги таниқли олимлари, сиёсат арбоблари айтишяпти, Ўзбекистонда Президентимиз юзага келаётган вазиятга тўғри баҳо берolгани ва ўз вақтида кескин чоралар кўрилгани учун коронавирус пандемияси ёйилиб кетишининг олди олинди. Бугун халқимиз саломатлигини ҳимоя этиш учун нимаики зарур бўлса, барчаси қилинмоқда...*

*Ҳозирги шароитда ҳар биримиз ўзимизга савол берайлик: шу юртнинг фарзанди сифатида вазифам, бурчим нимадан иборат? Ўзимни, ота-онамни, оиламни, халқимни бу офатдан асраш учун нима қилмоғим керак?*

*Тўғриси, биздан кўп нарса талаб қилинмаяпти. Ҳозирги хавф-хатарни ҳисобга олиб, карантин қоидаларига қатъий амал қилиш, яъни уйда ўтириш, шифокорлар жон койитиб, такрор ва такрор таъкидлаётган тавсияларга риоя қилиш, ўзимизни, уйимизни озода тутиш сўраляпти. Бугун белгиланган тартиб-қоидани бузган киши, аввало, ўзига, оиласига душманлик қилган бўлади. Бундай енгилтак ҳаракатлар юртга хиёнат ҳисобланади.*

*Халқимиз юксак маънавият, маданиятли, иродаси мустаҳкам, кўп синовлардан мардонавор ўтган халқ. Худо хоҳласа, ҳаммамиз биргаликда курашиб, бу синовдан ҳам соғ-омон ўтамиз...”*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан бирининг ўз сайлов округи аҳолисига видеомурожаатидан қисқартириб олинган бундай фикрларни бошқа депутатлар мурожаатномаларида ҳам кўриш мумкин.

Коронавирус карантини сабабли депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари вақтинча чекланган бўлса-да, алоқалари узилиб қолган эмас. Депутатлар жойлардаги партия кенгашлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳокимликлар орқали ўз сайлов округларидаги ҳолатдан хабардор бўлиб турибшибди. Депутатларга хат ёзиб ёки телефон орқали мурожаат қилиб турган сайловчилар ҳам оз эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Тўғри, депутатларнинг кундалик иш тартибига ўзгартиришлар киритилган. Сиёсий партиялар Қонунчилик палатасидаги фракциялари мажлисларини онлайн тарзида ташкил этмоқда. Қонунлар лойиҳалари муҳокамаларига бағишланган ялпи мажлислар эса санитария талабларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилмоқда.

Айниқса, бугунги шароитда бир қатор қонун ҳужжатларига эҳтиёж сезилди. Масалан, қанча даъватлар қилиниб, тавсияларга қарамай, карантин тартиб-қоидаларини бузиш ҳоллари юз бера бошлади. Қайси бир очкўз одам вазиятдан фойдаланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари устига ҳаддан ташқари юқори нарх қўймоқда. Кимдир тақиқланишига қарамай, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасини очиб қўйган, кимлардир тўпланиб ичкиликбозлик қилмоқда, ниқобсиз ҳуда-беҳуда кўчага чиққанлар ҳам оз эмас. Ҳатто пул ишлаш мақсадида болалар учун компьютер ўйинлари ташкил этганлар ҳам учради. Мамлакатимизда коронавирус кенг тарқалиб кетишига сабаб бўладиган бундай қилмишлар билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди.

Бундай фавқулодда вазиятларда жамиятда мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва уни бузганларга нисбатан тегишли жазоларни қўллаш керак бўлади. Бунинг учун эса янги қонунлар қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Яқинда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Шунингдек, “Тезкор қидирув тўғрисида”ги ва бугунги муаммолар билан боғлиқ бошқа қонунлар қабул қилинди. Энди карантин қоидаларини бузган, коронавирус ёки инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар ҳақида ёлғон маълумот тарқатган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар белгиланган қонун-қоидаларга ҳаммамиз бирдек бўйсунсак, бир-биримизни ҳурмат қилсак, қадрласак, асрасак, бир тан-бир жон бўлиб кураш олиб борсак, Худо хоҳласа, бу синовли кунлар ортда қолади. Яна асл ҳаётга қайтамиз, хотиржам ўқишга, ишга борамиз, орзу-ҳавасларимизни кўрамиз, баҳор фаслининг гўзалликларидан баҳраманд бўламиз. Яна тўйларда, байрамларда кўришамиз, бир-биримизни бағримизга босамиз...

**Сафар ОСТОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАДИ




1 Бугун коронавирусни енгиб ўтган Хитой ҳам, ўз навбатида, ушбу касаллик билан курашда Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

17 апрель куни юртимизга Чин диёридан коронавирусга қарши курашда катта тажрибага эга бўлган бир гуруҳ шифокорлар етиб келди.

Дарвоқе, ушбу жараённинг бошланиши Хитой жамоатчилигида ҳам қизғин, ижобий муносабат уйғотди. Воқеа маҳаллий ОАВда кенг ёритилди. Пекин ва Нанчань шаҳарлари клиникаларининг тажрибали мутахассисларини Тошкентга кузатиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Тадбирда хитойлик шифокорларнинг мамлакатимизга юборилиши ҳақидаги қарор икки давлат раҳбарларининг ўзбекистонлик ҳамкасбларга тиббий кўмак бериш тўғрисидаги келишувига мувофиқ қабул қилингани алоҳида таъкидланди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тажрибали эпидемиологлар, инфекционистлар, пульмонологлар, невропатологлар, терапевтлар, жарроҳлар, шунингдек, Хитойнинг турли минтақаларида беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда иштирок этган мутахассислардан иборат гуруҳ кутиб олинди.

— Биз коронавирусга учраган беморларни даволаш учун бор куч, маҳоратимизни ишга соламиз, — деди Хитой делегацияси раҳбари, шифокор Ло Ли Шен. — Бунинг учун анъанавий ва замонавий тиббиёт ютуқларидан кенг фойдаланамиз.

Юртимизга етиб келган самолёт саҳнидан Хитой ҳукумати номидан энг зарур тиббий воситалар ва дори-дармон тўпламларидан иборат расмий гуманитар юк ҳам туширилди.

— Хитой халқи коронавирус касаллиги авжига чиққан жуда мураккаб бир вазиятда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзганини ҳеч қачон унутмайди, деди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цзянь Ян хоним. — Хитой ҳукумати, компаниялари, корхоналари, маҳаллий ҳокимиятлар, илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, хусусий сектор вакиллари номидан Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами юборилди. Бу орқали икки давлат, икки халқ ҳақиқий дўст экани яна бир бор намоён бўлди. Зеро, биз айнан кулфат чоғида бир-биримизни қўллаб-қувватлаяпмиз.

Таъкидлаш жоиз, 15 нафар маҳоратли мутахассисдан иборат мазкур гуруҳ Хитойнинг Цзянси провинцияси маъмурий маркази — Наньчан шаҳридан келган. Бу ҳудуд коронавирус эпидемияси маркази бўлмиш Хубэй провинцияси билан чегарадош. Энг муҳими, мазкур минтақа коронавирус инфекциясидан соғайган беморлар сони бўйича Хитойда биринчи ўринда туради.

Хитойлик мутахассислар ташриф давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги тиббий муассасаларда бўлиб, шифокорларимизни қўллаб-қувватлайдилар, COVID-19 кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш, назорат қилиш ва даволашни ташкил этиш бўйича тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришади.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲИМОЯ КОМБИНЕЗОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

1 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси ҳамда “Истиқлол текстиль дизайн” корхонаси ташаббуси билан пойтахтимизга кириб келадиган барча постларда туну кун навбатчиликда турган Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ва бошқа тегишли идоралар ходимларига хизматда турган пайтида коронавирусдан ҳимояланиш учун кийиладиган махсус комбинезонлар ҳомийлик йўли билан тақдим этилди.



“Истиқлол текстиль дизайн” масъулияти чекланган жамияти ҳомийлигида амалга оширилган ушбу акция доирасида мингдан зиёд махсус комбинезонлар тайёрланди.

— Бугун пойтахтимизга кириб келадиган барча постларда навбатчиликда турган ходимларимизга “Истиқлол текстиль дизайн” корхонаси томонидан махсус ҳимоя кийимлари тарқатилди, — деди Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, полковник Рашид Жалилов. — Мазкур махсус кийимларнинг ихчамлиги ва қулайлик томонлари кўп. Қолаверса, кийимлар пишиқ материалдан тикилган бўлиб, қайта-қайта ювиб фойдаланиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, комбинезонлар давлатимиз раҳбарининг махсус Фармони билан ташкил этилган мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги тикув цехларида тайёрланди.

— Бу ишга юздан зиёд тикивчилар жалб этилган. Мазкур цехларга хом ашё етказиб бердик, маблағ билан таъминладик. Бундай хайрли ишларни келгусида ҳам давом эттириш ниятидамиз, — деди “Истиқлол текстиль дизайн” корхонаси таъсисчиси, сенатор Бахтиёр Умаров.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Темур МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

# Реклама соҳасида нафақат даромад, балки жамият олдидаги масъулият ҳам муҳим

*Бугунги кунда медиамаконда омма онгини энг кўп “банд қилаётган” унсур, бу — реклама. Шу сабаб жаҳон тажрибасида реклама “ҳамёнбоп ахборот” саналади. Бизнинг замонамизда рекламанинг шакллари кўпайди: ташқи реклама, брендлар орқали, ОАВ, ижтимоий тармоқлар ёки интернет-реклама, шунингдек, транспортда, электрон таблода ва ҳоказо. Ҳатто истеъмолга SMS, чат-бот, промокод, QR-код, голографик-реклама сингари инновацион усуллар ҳам кириб кела бошлади. Эндиликда дунё “рақамлашган реклама” сари янги қадамни ташламоқда.*

## Жараён

Ҳозирги кунда рекламанинг энг оммалашган усули интернет орқали экани сир эмас. “Forrester Research” халқаро таҳлил ва тадқиқот агентлиги маълумотига кўра, реклама бозорида ўта жиддий ўсиш кузатилмоқда. Яъни жаҳон реклама бозори айланмасида интернетнинг улуши ҳар ойда 5 — 7 миллиард АҚШ долларини (42 фоиз) ташкил қиляпти. Ўтган йилда интернет-реклама улуши ($332 млрд.) ТВ-реклама ($192 млрд.) улушидан қарийб икки каррага кўпайиб кетди.

Энди реклама қонунчилиги ҳақида тўхталиб ўтсак. 1987 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан қабул қилинган Халқаро реклама кодекси бу соҳани қонунийлаштиришга туртки бўлган. Халқаро ҳужжатнинг бош қоидаси ҳар қандай реклама мурожаати одобли, ҳаққоний ва ишончли бўлишини талаб қилади. Унга кўра, реклама жамият олдида масъулият ҳисси билан ва адолатли рақобат тамойилларига жавоб берган ҳолда яратилиши керак, рекламага бўлган ишончни йўқотмаслиги керак.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг 90-йиллари Испания, Франция, Германия каби қатор ривожланган давлатлар учун рекламани қонунчилик билан тартибга солиш даври бўлди. Италия, Бельгия, Австрия каби мамлакатларда эса рекламани тартибга солувчи яхлит қонун ҳужжатлари йўқ. Яъни рекламага оид баъзи муҳим қоидалар бошқа қонун ҳужжатининг ёки қайси бир кодекснинг алоҳида бўлим ёки тегишли моддаларида акс этган, холос.

Бу борада МДҲ мамлакатлари тажрибасини эса бир оз такомиллашган дейиш мумкин. Россия Федерацияси 1995 йилда, Қирғизистон 1998, Қозоғистон 2003 ва Туркманистон 2016 йилда реклама соҳасини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатини амалга киритган.

Ўзбекистонда 1998 йил 25 декабрда Президент томонидан имзоланган ва жами 30 моддадан иборат бўлган “Реклама тўғрисида”ги Қонун амал қилади. Бир қарашда реклама соҳасига оид қонунимиз ишлаб турибди. Лекин бугунги тажриба ва талабдан келиб чиқилса, ушбу Қонунни замонавий қарашлар кенгроқ акс этган зарур қоидалар билан тўлдириш орқали такомиллаштириш лозим.

Жумладан, ушбу қонун ҳужжатида халқ ва давлат манфаатлари, иқтисодий ва миллий ривожланишнинг асосий тамойилларига дахлдор баъзи муҳим ва долзарб масалалар акс этиши керак. Хусусан, Қонуннинг 5-моддасидаги қоидалар бугунги кунга келиб рекламанинг давлат тили билан боғлиқлиги даражаси ўта аҳамиятсиз ўринда қолиб кетмоқда.

Биринчи навбатда, Қонуннинг реклама маҳсулотларини тайёрлаш ва тарқатиш соҳасига оид нормаларни давлат тилига доир тегишли қонун ҳужжатлари талабларига мослаштириш лозим. Чунки Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ўтказилган қатор мониторинг ва кузатув тадбирлари натижалари реклама соҳасида ўзбек тилига нисбатан ҳурмат муносабати ҳисобга олинмаётганини кўрсатди.

Иккинчидан, инсон учун ҳаётда биринчи масала бу саломатликдир. Инсонлар, айниқса, ёшлар соғлиғига дахлдор ҳолатлар, хусусан, реклама соҳасидаги хизмат ва маҳсулотларнинг одам саломатлигига таъсир кўрсатишини мутлақ чекловчи алоҳида ва аниқ қоидалар ифода этилмаган. Бутун бошли қонун ҳужжатининг бирон моддасида “саломатлик” сўзи умуман қайд этилмагани ҳам масалага қанчалик эътибор қилиш лозимлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, фуқаролик жамиятининг қонунчилик замонавий таомилларидан келиб чиқиб, ижтимоий рекламалар таснифи қонунда атрофлича очиб берилмагани ҳолда масалага мантиқан эскича ёндашув сақланиб турибди. Хусусан, ҳозир дунё ҳамжамияти давлатчилигида кенг фойдаланилаётган соғлом турмуш маданияти, ҳуқуқий саводхонлик ва қонунга итоаткорлик каби мавзулардаги, меҳр-шафқат ва ҳомийлик йўналишидаги, шунингдек, фавқулодда ҳолатларда ва умумдавлат манфаатига тааллуқли бўлган манзилли реклама шакллари тарқатилишига доир зарур имтиёзлар ёки тегишли талаблар аниқ акс этмаган.

Замонавий тажрибадан келиб чиқсак, қонун ҳужжати муҳокамасида эътибор марказида туриши лозим бўлган яна бир асосий жиҳат бор. Бу, иқтисодиётнинг зарур манбаларини ҳисобга олган ҳолдаги реклама мониторинги ва реклама индустрияси масалалари билан шуғулланувчи, айниқса, ҳудудларда реклама соҳасида хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини оширишга кўмаклашувчи асосий ташаббускор ҳамда масъул органни белгилаш масаласи билан боғлиқ.

Яқинда амалдаги “Реклама тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш, бугунги замон талабига мос ҳужжат даражасига олиб чиқиш масаласини масофадан туриб қизғин муҳокама қилдик.

Мазкур жараёнда жамоатчилик вакиллари, мутахассислар ва ижтимоий фаол қатламнинг фикрини ўрганиш ҳам муҳим. Бу эса реклама бўйича янги қоидаларни жорий этиш, умуман, уни замон талаблари асосида такомиллаштириш имконини беради.

**Умиджон ЖАББОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



# ЎЗБЕКИСТОНДА БУ ЙИЛ СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ КУЗАТИЛАДИМИ?

◄1

*— Ўзбекистон эҳтиёжи учун зарур сув захираларининг асосий қисми қўшни давлатлар ҳудудида шаклланади. Бу эса ўзига хос мураккабликларни ҳам келтириб чиқаришига амалиётда кўп бор дуч келинган. Айтинг-чи, сув ресурсларини бошқаришдаги ҳозирги аҳвол қандай? Иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг жорий мавсумда сувга бўлган эҳтиёжи қай тарзда таъминланади?*

— Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик суғориладиган майдонга эга мамлакат ҳисобланади. Яъни юртимизда 4,3 миллион гектар ерда деҳқончилик қилинади. Ушбу экин майдонларини суғориш, қолаверса, ичимлик эҳтиёжлари учун дарё ва кўлларнинг чучук сув ресурсларига боғланиб қолинган. Республикамиз эҳтиёжлари учун Орол денгизи минтақасидаги Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ҳар йили шаклланадиган ўртача 116 млрд. $м^3$ сув ресурсларининг 52-53 млрд. $м^3$ қисми ишлатилади.

Иқлим ўзгариши глобал муаммога айланган ҳозирги даврда, айниқса, сув ресурсларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш тақозо этилмоқда. Сабаби сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатларида, хусусан, Ўзбекистонда сув кам бўлган йиллар тез-тез такрорланмоқда. Мисол учун, 2000 йилларга қадар ҳар 6-8 йил ичида сув тақчиллиги кузатилган бўлса, охирги вақтларда бу ҳолатга ҳар 3-4 йилда дуч келинмоқда. Бунинг таъсирида 2018 йилда Ўзбекистон бўйича умумий сув танқислиги 3 млрд. $м^3$ни ташкил этди. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 7 млрд. $м^3$, 2050 йилга қадар эса 13 — 15 млрд. $м^3$га етиш эҳтимоли бор. Бундан ташқари, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёрлари 2030 йилга бориб 5 фоиз, 2050 йилда 7 — 10 фоиз ошиши тахмин қилинмоқда. Буларнинг барчаси олдимизга сув ресурсларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, ундан фойдаланишда тежамкор технологияларни қўллаш, суғоришда интенсив усулларни татбиқ қилиш, энг муҳими, ерларнинг деградацияга учраши ва чўлланишининг олдини олиш каби муҳим вазифаларни қўймоқда.

Лекин ортиқча хавотирланиш, олдиндан таҳликага тушиш ва хулоса чиқариш ярамайди. Қиш мавсуми кам ёғин келган бўлса-да, баҳорда ёғингарчилик яхши бўляпти. Масалан, айрим йилларда баҳорги ёмғирлар туфайли сув ҳавзаларида катта миқдорда обиҳаёт йиғилган. Шунинг учун бу йилги мавсумда сув танқислиги қай даража бўлишини айтишга ҳозир эрта. Шундай бўлсада, бу масала олдиндан ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Салбий оқибатларни юмшатиш бўйича тезкор чоралар олиб бориляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг дастлабки прогноз маълумотларига кўра, 2020 йилда кутилаётган сув миқдори меъёрга нисбатан Оҳангарон, Қорадарё ва Фарғона водийси шимолидаги дарёлар, Сурхондарё ва Қашқадарё ҳавзаларида 80 фоиз, Вахш, Зарафшон, Норин, Чирчиқ дарё ҳавзаларида 85 фоиз, Фарғона водийси жанубидаги дарёлар ҳавзаларида 90 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда вазирлик томонидан 2020 йил суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлашда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга кўра, республика бўйича вегетация мавсумида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун етишмайдиган сув миқдори 6 млрд. 562 млн. $м^3$ни ташкил этади. Бу миқдорни қоплаш учун, биринчи навбатда, сувни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, Сув истеъмолчилари уюшмаси ва энг қуйи тизимдаги каналлар, сув иншоотларини оператив назорат қилиш, даладаги сувчиларни рағбатлантириб, 24 соатлик иш ташкил қилиш керак. Сув тежовчи технологияларни қўллаш, зовурларга қўшимча насос ўрнатиш ҳамда ер ости сувларидан фойдаланиш, шунингдек, экинларни тўғри жойлаштириш, самарали агротехнологияларни қўллаш ва ирригация тадбирларини амалга ошириш чораларини кўриш зарур.

Ишонтириб айтаманки, вазирлигимиз иқтисодиёт соҳалари ва аҳолини узлуксиз сув билан таъминлаш учун тегишли барча чораларни кўради.

*— Маълумки, иқтисодиёт тармоқларида сарфланаётган сув ҳажмининг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келяпти. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан бу йил сув тежайдиган технологияларни тўрт баробар кўпайтириш вазифаси қўйилгани соҳада ресурс тежамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши кутилмоқда. Шундай экан, унинг ижроси қандай?*

— Дарҳақиқат, Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада энг муҳим соҳалар қаторида сув хўжалигига ҳам тўхталиб, ресурс тежайдиган технологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда республикамиз бўйича 44 минг гектардан зиёд майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 24,8 минг гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилиниши режалаштирилган. Сувни тежайдиган технологияларни қўллаган кластер ташкилотлари ва фермер хўжаликларига давлат томонидан молиявий мадад берилаётгани суғоришнинг тежамкор усулларини оммалаштиришга хизмат қиляпти.

Бинобарин, сув тежовчи технологиялар — замон талаби, ҳаётий зарурат. Чунки сувга бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда. Агар 1990 йиллар бошида мамлакатимизда аҳоли сони 20,3 млн. кишини ташкил этиб, иқтисодиёт тармоқларида йилига ўртача 64 млрд. $м^3$ сув сарфланган бўлса, 2020 йилга келиб, аҳоли жон боши қарийб 34 млн. кишига етди, иқтисодиётимиз тармоқлари учун ишлатилаётган сув ҳажми 51-52 млрд. $м^3$ни ташкил этмоқда, холос. Яъни аҳоли сони кўпайгани сари сув ресурслари тобора камаймоқда. Фақат сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш орқалигина минтақада юз бериши муқаррар бўлган сув тақчиллигининг олдини олиш мумкин.

Ҳозирги кунга қадар юртимизда 130 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлиб, шундан томчилатиб суғориш технологияси 77,4 минг гектарни ташкил этади. 2020 йилда бундай майдонларни 250 минг гектарга етказиш режалаштирилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, 300 млрд. сўм маблағ йўналтирилади. Субсидиялар Президентимизнинг 2019 йил 25 октябрдаги "Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, экин тури, суғориш технологияси ва ернинг бонитет баллидан келиб чиқиб ажратилади. Яъни томчилатиб суғориш тизимлари учун гектарига 8 млн. сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 млн. сўм, дискретли суғориш учун 1 млн. сўм миқдорида молиявий кўмак берилади.

> ***"2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун Давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур".***
>
> Ўзбекистон Республикаси Президенти
> Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

Шу билан бирга, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси етиштирувчиларга томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн. сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизи миқдорида қоплаб берилмоқда.

Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2025 йилга қадар юртимизда тежамкор технологиялар қўлланиладиган майдонларни 1 миллион гектарга етказиш мўлжалланмоқда.

*— Соҳада катта сарф-харажатлар эвазига йирик лойиҳалар амалга оширилмасин, назорат бўш бўлса, кутилган натижага эришилмаслиги аниқ. Шунинг учун бугунги кунда сув хўжалиги объектларини бошқаришни замонавийлаштириш, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш устувор аҳамият касб этмоқда. Айни шу йўналишда қандай натижаларга эришилди ва қайси бўғинларда камчиликлар кўзга ташланмоқда?*

— Бу борада сўз юритганда, аввало, республикамизнинг асосий сув объектларига замонавий "Ақлли сув" тизими жорий қилинганини айтиш жоиз. Яъни Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг грант маблағи ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳа доирасида 60 дан ортиқ сув хўжалиги объектларига сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилди. 2020 йил давомида яна 90 та объектда мазкур тизим жорий қилиниб, уларнинг умумий сони 150 тага етказилади. Бу рақамлар йил сайин кўпайтирилиб, тўлиқ инновацион усулга ўтилади.

Бундан ташқари, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси тўғрисидаги маълумотларни онлайн кузатиш, мониторингини юритиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш имконини берувчи автоматлаштирилган тизим яратилмоқда. Уни шу йилнинг ўзида 2000 та кузатув қудуғида қўллашни мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, 2020 йилда 10 та, 2021 йилда 20 та, 2030 йилгача эса 100 та сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнлари ва сувни назорат қилиш ишлари автоматлаштирилган тизимга ўтказилади.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган 2030 йилгача Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ҳам соҳада автоматлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Унинг лойиҳаси нуфузли халқаро экспертлар ҳамда Австралиянинг сув хўжалиги соҳасида истиқболни белгиловчи стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган "Aither" компанияси мутахассислари иштирокида тайёрланди. Унда қамраб олинган устувор йўналишлар доирасидаги чора-тадбирлар туфайли обиҳаётни тежаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, шўрланган майдонларни ҳар йили 1 фоизга камайтириб бориш, шунингдек, 298,5 минг гектар фойдаланишдан чиққан майдонларни қайта фойдаланишга киритиш кўзда тутилмоқда. Хусусан, 2019 — 2021 йилларда 147 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилади.

*— Сув беҳуда йўқотилишининг олдини олиш кўп жиҳатдан ирригация тармоқларининг нечоғли соз ҳолатда эканлигига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда ушбу тармоқларни таъмирлаш-тиклаш, ўзанларни бетонлаштириш, пировардида барқарор обиҳаёт таъминотига эришиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?*

— Тўғри таъкидладингиз, республикамизда мавжуд суғориш тармоқлари 180 минг километрни, коллектор-дренаж тармоқлари 140 минг километрни ташкил этса, ирригация тизимларининг асосий қисми тупроқ ўзанли. Бу эса йилига ўртача 35 — 38 фоиз сув йўқотилишига олиб келяпти, шу жумладан, баъзи ҳудудларда 40 фоиз ва ундан кўпроқ бўлмоқда. Шунинг учун кейинги пайтда ўзлаштирилаётган ички ва хорижий инвестицияларнинг муайян қисми тармоқларни бетонлаштиришга йўналтирилмоқда. 2020 йилда вазирлик тизимида Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги ишларимизни янада жонлантириш имконини беради, албатта. Сабаби агентлик кўмагида 2020 йилда Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокидаги жами 6 та инвестиция лойиҳаси доирасида 186 млн. долларлик хорижий кредит маблағи ўзлаштирилади. Бу 2019 йилдагига нисбатан 1,47 баравар кўпдир.

Умуман, Инвестиция дастури доирасида йил давомида ирригация объектларида 756 млрд. сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, 80 та объект фойдаланишга топширилиши белгиланган. Шу билан бирга, 400 млрд. сўм қўшимча маблағ ажратилмоқда. Бунинг натижасида лойиҳа амалга оширилган ҳудудларда сув сарфи камайиб, ўртача 5 — 10 фоиз иқтисод қилишга эришилади.



Таъкидлаш керакки, каналлар ва улардаги гидротехника иншоотларини реконструкция қилиш, лоток тармоқларини, насос станцияларининг босимли қувурларини янгилаш сингари тадбирлар туфайли сув билан таъминланганлик даражаси паст бўлган жами 1 миллион 900 минг гектар суғориладиган майдоннинг 280 минг гектарига 2020 йилда обиҳаётни барқарор етказиб беришга муваффақ бўлинади. Энг асосийси, ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига илмий ва инновацион ишланмалар жалб қилиниши туфайли уларнинг фойдали иш коэффициенти йилига ўртача 1 фоиздан ошириб борилади. Айни пайтда бу борадаги кўрсаткич 0,63 фоизга тенг бўлса, 2030 йилда 0,73 фоизга етказилади. Натижада йилига ўртача 5,3 млрд. $м^3$ сув иқтисод қилинади ва суғориладиган ерларнинг кафолатли сув таъминотига эришилади.

Сув ресурсларининг ортиқча сарфланишига яна бир оғриқли масала — суғориладиган экин майдонларининг 46 фоизи турли даражада шўрлангани ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун сув-туз балански юритиш механизмини такомиллаштириш, ер ости сизот сувларини меъёрда ушлаб туришга қаратилган мелиорация ишлари ҳам доимий эътиборимиз марказида турибди. Биргина 2020 йилнинг ўзида 202 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, шўрланган ер майдонлари улуши 45 фоизга камаяди, ер ости сизот сувлари сатҳи пасаяди.

Мақсадимиз сув хўжалигининг барча ходимлари, мироблар ўз олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, элимиз дастурхони тўкинлигини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерларга мавсум давомида узлуксиз обиҳаёт етказиб беришдир. Ишонтириб айтаманки, соҳанинг фидойи ходимлари хизматлари эвазига юзага келиши мумкин бўлган сув танқислиги оқибатларини юмшатиб, бунга, албатта, эришамиз.

**Саид РАҲМОНОВ
суҳбатлашди.**



■ Молия муассасаларида

## Пенсия пулларини банк карталари орқали тўлаш жорий қилинади

*Бутун дунёда COVID-19 вирусига қарши кураш, имкон қадар унинг тарқалишини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилаётган бир пайтда мамлакатимизда ҳам Ҳукуматимиз томонидан аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган қатор тадбирлар олиб борилаётир.*

XalqBanki

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси томонидан нақд пулларда коронавирус қўзғатувчиси узоқ муддат (4-5 кун) сақланиб қолиши мумкинлигини эътиборга олиб, имкон қадар нақд пуллардан камроқ фойдаланиш тавсия этилмоқда. Шу боис карантин шароитида инфекциянинг тарқалиши эҳтимолини камайтириш мақсадида 2020 йил 13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж. Қўчқоров, Марказий банк бошқаруви раиси М. Нурмуратов ҳамда молия вазири Т. Ишметов томонидан қўшма хат имзоланди. Ҳужжатга кўра, тегишли ташкилотларга нақд пул муомаласини қисқартириш бўйича қатор вазифалар топширилди.

Жумладан, пенсия тўловларини устувор равишда банк пластик карталари орқали тўлаш белгиланди. Бу амалиёт, энг аввало, жорий йил май ойидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида тўлиқ жорий этилади:

— кейинги ойлардан бошлаб эса барча ҳудудда пенсия ва нафақа тўловлари устувор равишда банк пластик карталари орқали тўланиши таъминланади;

— Халқ банки томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан тегишли маълумотларни олган ҳолда, пенсионерларга банк пластик карталари очилади;

— банк ходимлари томонидан навбатдаги пенсия тўловларини тарқатиш жараёнида пенсионерларга банк пластик карталари барча санитар талабларга риоя қилган ҳолда, уларнинг яшаш манзиллари бўйича етказиб берилади;

— карта эгасининг хоҳишига кўра, пластик картадаги маблағлар нақдлаштириб берилади;

— босқичма-босқич барча маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари олдида банкоматларни жойлаштириш ишлари ташкил этилади.

Шунингдек, ишчи-ходимларига банк пластик карталари очилган Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия тизимидаги ташкилотларнинг иш ҳақи тўловларини тўлиқ банк пластик карталари орқали тўлаш чоралари кўрилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги шароитда пенсионерларнинг пенсия пуллари пластик карталар орқали берилиши энг тўғри қарор ҳисобланади. Сабаби коронавирус, асосан, ёши катталарга юқиш эҳтимоли юқорилиги ҳамда касалликнинг 60 ёшдан ошганларда оғир кечаётганлигини инобатга олсак, бу жуда муҳим. Шу пайтга қадар Ўзбекистонда пенсия ва нафақалар нақд пулда берилган. Айни кунларда пенсия ва нафақа пуллари алоҳида пакетларда тарқатилмоқда. Бу пулларни аҳолига тарқатишдан олдин махсус дезинфекцион ишлов берилмоқда. Аммо бу хавфсизлик юз фоиз таъминланди дегани эмас. Шундай экан, ҳозирги вазиятда нақд пул билан муомала қилишни кескин камайтириш, пенсия ва нафақаларни нақд пул сифатида эмас, пластик карталар орқали олиш хавфсизроқ бўлади.

Пластик карточкадан фойдаланилса, коронавируснинг бир одамдан иккинчисига ўтиш эҳтимоли пасаяди. Биринчидан, нақд пул билан муомала қилмайсиз, демак, вирус юқиш эҳтимоли ҳам камаяди. Иккинчидан, барча тўловларни уйдан туриб тўлаш имкониятига эга бўласиз. Бу эса вирусдан ҳимояланиш учун яхши омил. Дезинфекцион ишлов бериш, тозалаш имкони борлиги боис пластик карточкалар нақд пулга нисбатан анча хавфсиз.

Шу ўринда аҳолида барибир нақд пул керак-ку, нақд пул масаласи нима бўлади, энди пенсиямизнинг бир фоизини нақдлаштиришда йўқотамизми, пенсия ва нафақа пуллари ойнинг қайси вақтида тушади, банкоматлар етишмайди-ку, деган саволлар туғилиши мумкин.

Айтиш керакки, акциядорлик тижорат Халқ банки бу борада яхши тажрибага эга. Гап шундаки, банк томонидан бундан бир муддат олдин пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари биносига банкоматлар ўрнатишга киришилган, пенсионерларга бир қатор қулайликларга эга пластик карточкалар бериш амалиёти йўлга қўйилган эди. Бундан кўзланган мақсад пенсионерларга янада қулайлик яратишдир. Ҳозирги чораларни ҳам ана шу ишларнинг мантиқий давоми, десак, ўринли. Бинобарин, Халқ банки "Пенсия овердрафт карта"си сизга ҳар томонлама қулай. Аввало, пенсия ва нафақа пули келишини кутмайсиз, ҳар ойнинг бешинчи санасигача пенсиянгиз пластик картага ўтказилади. Шунингдек, карта орқали нафақат барча турдаги тўловларни амалга ошириш, балки Халқ банкининг кассалари ва банкоматларидан нақд пул маблағларини фоизсиз ечиб олишингиз мумкин.

Бундан ташқари, ушбу пластик карта пенсия олувчиларга 5 йил муддатга бепул очилади. "Пенсия овердрафт карта"си фойдаланувчисига зарурат бўлганда пенсия маблағлари молиялашгунга қадар банк томонидан пенсия маблағининг 50 фоизи миқдорида 12 ой муддатга овердрафт кредити ажратилади. Фойдаланилган овердрафт кредити маблағлари учун кредит фоизи ойлик 1,33 фоиз миқдорида белгиланган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сиз "Пенсия овердрафт карта"сидаги ишлатилмаган маблағларингиз учун йиллик 8 фоиз миқдорида даромад ҳам оласиз. Хуллас, Халқ банкининг мазкур хизмати сиз учун қатор қулайликлар яратиши билан эътиборга молик.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*





# Кўринмас инфекциядан тезроқ қутулиш, аввало, ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

◄1

Давлатимиз раҳбарининг "Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа фармонлари билан алоҳида рўйхат бўйича божхона чегараси орқали ўтказилаётган зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё, материаллар ва субстанцияларга нисбатан божхона божлари ундирилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Айни мана шу эпидемия даврида тадбиркорларга берилаётган қатор имтиёзларнинг ўзиёқ, давлатимиз раҳбарининг халқ учун, унинг саломатлиги, иқтисодий барқарорлигини таъминлаш йўлида жон куйдириб, бошқаларга намуна бўлаётганини яққол кўрсатади.

Аммо бу "тождор" вирус бир одамнинг ҳаракати ёхуд бир мамлакат кучи билан ортга қайтадиган инфекция эмас. Аксинча, уни бутун мамлакат, бутун халқ ҳамда миллатнинг бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши билан тўхтатиш, унга қарши зарба бериш мумкин. Шунда у, албатта, чекинади.

Таъкидлаш жоизки, яқинда Президентимиз томонидан "Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди. Бу ҳам бежиз эмас.

Мамлакатда аҳоли саломатлиги, аввало, тиббиёт соҳасида тайёрланаётган кадрлар билими ва малакаси билан ҳам бевосита боғлиқ. Бугунги вазиятда эса бу ҳар қачонгидан-да муҳим. Бунга ортиқча изоҳга ўрин йўқ.

Қарор билан 2020/2021 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун бакалавриат ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга мақсадли қабул параметрлари 50 фоизгача ошириладиган бўлди.

Ҳужжатда тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлашга оид яна кўплаб имтиёзлар ўз аксини топди.

Албатта, ҳужжатлар ижроси нақадар муҳим бўлганидек, айни замонда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этиш, карантин қоидаларини сўзсиз бажариш ҳам шунчалик долзарбдир.

Чунки бугунги хавфли, кўзга кўринмас душман — инфекциядан қай даражада ҳимояланиш фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ. ОАВ орқали деярли ҳар дақиқада вирусни юқтириб олмаслик учун нималарга эътибор қаратишимиз кераклиги тушунтириляпти. Вақтимиз бекор кетмаслиги учун онлайн дарслар ҳам йўлга қўйилди.

Шунга яраша ҳар биримиз белгиланган карантин қоидаларига қатъий амал қилайлик, уйда қолиб, ўзимизни, фарзандларимиз ва яқинларимизни, пировардида эса бутун халқимизни коронавирусдан асрайлик.

Шу ўринда инфекция тарқалишига қарши тиббиёт ходимларининг тавсияларига қисқача тўхталиб ўтсак. Аввало, "Уйда қолинг!" шиорига амал қилган ҳолда, хоналарнинг вақти-вақти билан ҳавосини алмаштириб туринг, қўлларингизни тез-тез совунлаб камида 20 секунд давомида яхшилаб ювинг, гигиенага риоя қилинг, меҳмон кутманг, ўзингиз ҳам меҳмонга борманг.

Хоналарни, қўл билан ушланадиган, яъни тутқичлар, босиш тугмачалари, шунингдек, кўп фойдаланиладиган телефон, планшет ва шунга ўхшаш воситаларни хлорли ёки спиртли аралашмалар, антисептиклар асосида артиб туринг. Қўлингиз билан кўз, бурун, оғизни ушламанг, одамлар билан яқин масофада туриб гаплашманг, бунда оралиқ масофани камида 2-3 метр сақланг. Яна шуни айтиш жоизки, агар сизда тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилса, уйдан чиқмасдан дарҳол шифокорларга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Бундай тавсияларнинг ҳар дақиқада, ҳар соатда такрор ва такрор берилиши ҳам бежиз эмас. Демак, вирус ён-атрофимизда кезиб юрибди, демак, ҳали хавфдан холи эмасмиз. Бугун коронавирус пандемияси қачон мағлуб бўлади ёки камая бошлайди, деган саволга ҳам ҳеч ким аниқ жавоб беролмайди.

Шундай экан, ҳар қанча оғир бўлмасин бугунги вазиятни тўғри тушуниб, халқимизга келган бу синовдан тезроқ қутулиш учун, аввало, масъулиятни ўзимиз ҳис қилишимиз, карантин қоидаларини бузмасдан, тиббиёт ходимларининг барча кўрсатмаларига амал қилишимиз, уйда қолиб ўзимизни, оиламизни, фарзандларимизни, халқимизни асрашимиз керак.

**Ботир ДАМИНОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.20 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6